

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 234 (12.545)

Баҳоси эркин нарҳда

## ПОЙТАХТНИНГ

БИР  
КУНИ



Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда тадбиркорлик фаолияти кенг кўллаб-куватланаётгани, кулагай ишбильармонлик мұхити яратилгани самараасида мебелсозлик саноати ҳам тобора ривожланмоқда. Соҳада маҳаллий корхоналар билан бирга хорижий фирма ва компанияларнинг ҳам кенг фаолият юритаётгани харидорларнинг ташлаш имкониятини кенгайтиришга хизмат қўлмоқда.

## «DIENVIDI»НИНГ СИФАТЛИ МЕБЕЛЛАРИ

Ўзбекистон ва Латвия ишбильармолнари ҳамкорлигига ташкил этилган «Dienvidi» қўшма корхонаси ана шундай корхоналардан бирорид.

Ўз фаолиятини 1996 йилда бошлаган ушбу корхонада замонавий технологиялар асосида ошхона, ёткозона,офис ва таълим мусасасалари учун мебеллар ишлаб чиқарилмоқда. Турил ўчамча ва дизайндага ушбу жиҳозлар юкори сифати ва кулагайли билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Махсулотлар харидор талабига биноан истаган ранг, ҳажм ва дизайнда тайёрланиши, жиҳозлардан ҳар ким ўз дидига кўра ташлашиб олиши мумкин. Бу мижозларга ўз истакларни рўёбга чиқариш, уй ёки ишхонасини ўзига мос тарзда жиҳозлана имконини беради.

Ишлаб чиқарига замонавий технологияларни жорий қилиш, корхонада пухта ўйланган маркетинг ишлари олиб борилаётгани самараасида маҳсулот сифати яхшиланмоқда, ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ошмоқда.

Мамлакатимизда хорижий ишбильармолнар фаолияти учун барча шарт-шароит яратилгани, айниқса, мебелсозлик корхоналарига солик ва божхона имтиёзлари берилгани меваффакиятларимиз омили бўлмоқда, – дейди ЎзА мубирига «Dienvidi» қўшма корхонаси бош директори Кобулжон Яхъев. – Ишлаб чиқариш жарайёнида маҳаллий хомаша ва хорижий технологиясидан фойдаланамиз. Келгусида маҳсулотларимиз тури ва сифатини янада оширишни мақсад килганимиз.

Корхонада ўттизга яқин киши иш билан ташминланган. Улар учун барча зарур меҳнат ва дам олиш шароити яратилган. Ходимларнинг маҳорати ва малакасида оширишга алоҳида эътибор каратилади.

Ўзбекистон ва Латвия ҳамкорлиги доирасида амалга оширилаётган бу каби лойиҳалар мамлакатимиз ривохи ва халқимиз фаровонлигига хизмат қўлмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА

Қарор ва ижро

## ФОНД БОЗОРИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Ҳусусийлаштириши, монополиядан чиқариши ва рақобатни ривожлантириши давлат қўмитаси раҳбариятининг Жанубий Корея Республикаси Адлия вазирлиги, Корея фонд биржаси ва «Юнг энд Янг» консалтинг компанияси вакиллариридан иборат ушбу мамлакат делегацияси билан учрашуви бўлиб ўтди.

Тадбирни ўтказишдан максад Корея Республикаси Адлия вазирлигининг қимматли қозозлар бозорига таалуқларни қонунчиликни такомиллаштириш бўйича таклифларни муҳокама этишидан иборат эди. Ушбу таклифлар мамлакатимизда фонд бозорини модернизация қилиш

бўйича ўтказилаётган тадбирлар инобатга олинган холда, Ўзбекистон Республикасининг қимматли қозозлар бозори тўғрисидаги мөърий-хукуқий базаси пухта ўрганиб чиқилгандан сўнг билдирилган.

Бугун Ўзбекистон фонд бозорида сезиларли ўзгаришлар

бўйича ўтказилаётган тадбирлар инобатга олинган холда, Ўзбекистон Республикасининг қимматли қозозлар бозори тўғрисидаги мөърий-хукуқий базаси пухта ўрганиб чиқилгандан сўнг билдирилган.

(Давоми З-бетда)

таълим масканларини спорт анжомлари билан ташминлаш борасидаги олиб борилаётган ишлар: муаммо ва ечим мавзуулар: матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ТОШКЕНТ юридик коллежида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишилаб «Конституция — баҳтизиз пойдевори» мавзууда виктори-

на ўтказилди.

ЎЗБЕКИСТОН тасвирий санъат галереясида таникли ўзбек рассоми Алишер Мирзабевнинг «Нақшинкор олам» номли шахсий кўргазмаси очилди.

8 декабрь – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни

ХАЛАФ БУ ДХАИР:

## «ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ БУТУН МАМЛАКАТ ҲАЛҚИННИГ ХУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАЙДИ»



Кувайт Давлатининг  
Ўзбекистон Республикасидаги  
Фавқулодда ва муҳтор элчиси  
Халаф Бу Дхаир «Жаҳон»  
ахборот агентлигининг  
муҳбири билан бўлиб ўтган  
сұхбат чигорида юртимизда  
кечаётган ижтимоий, сиёсий  
ва иқтисодий ислоҳотларнинг  
амалга оширилишида  
Ўзбекистон  
Конституциясининг ўрни  
ҳамда аҳамияти тўғрисидаги  
фикр-мулоҳазаларини  
ўртоқлашди.

Кувайт элчисининг фикр билдиришича, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул килинини мамлакатимизнинг суверенитетни мустаҳкамлаш йўлида хукукий пойдеров сифатида хизмат килди. Шунингдек, Асосий Конун давлат ва жамият курилиши, фуқароларнинг сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маддий хукукларини ташминлашга каратилган ислоҳотларни амалга оширишда ҳам тамал тоши.

Халаф Бу Дхаир қайд этганидек, Конституцияда мустаҳкамлаш кўйилган тамойил ва мөъёрлар асосида Ўзбекистонда тинчлик, осойишталик, барқарорликни ташминлаш, аҳоли фаронлигини изчил юксалтириш, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиёти йўлида кенг кўламли чора-тадбирлар ҳаётга татбик этиб келинмоқда.

Кувайтлик дипломат бу борадаги сайд-харакатларга юксак баҳо берди. Ўзбекистонда барча миллат ва эллатлар ўртасида жипслик, ҳамжihatlik мұхити хукук сурәтганини ҳам алоҳида ташкилдади.

«Ўзбекистон Конституциясининг асосий қоидаларидан бирни фуқаролик жамиятини институтларининг ҳақ-хукукларини муҳофаза этишига қаратилган бўлиб, улар ҳалқ манфаатларини химоя килиш, унинг ижтимоий, маддий, иқтисодий хукукларини ифодалашнинг мұхим механизми сифатидаги фаолиятини ифода этади. Бу эса, ўз навбатида, демократия ва инсон хукуклари ташмийларига ташкилдади.

Халаф Бу Дхаир Ўзбекистон Республикаси Асосий Конунни мөъёр ва таймиллари асосида ишлаб чиқилган Инсон хукуклари соҳасидаги ҳародатирига ҳам юкори баҳо берди. Унинг айтишича, мазкур хуҗатнинг демократик тараққиёт йўлини ривожлантиришдаги ҳамда фуқаролик жамиятини мустаҳкамлашдаги ўрни, шунингдек, дастурни ҳаётга татбик этиш борасида амалга оширилган улкан ишлар ташкилдади.

Халаф Бу Дхаир юртимизда аҳолининг хукукий маданиятини юксалтириш, инсон, унинг хукук ва манфаатларни олий қадрият сифатида ардоқлаш борасида таълимий маддий қадриятни ташминлаштиришни назарда тутади, натижада бугун Ўзбекистон жадал ривожлантириштаган ҳамда мустаҳкам барқарорликка эришган давлатга айланди», деди Кувайт дипломатия миссиюси раҳбари.

Халаф Бу Дхаир юртимизда аҳолининг хукукий маданиятини юксалтириш, инсон, унинг хукук ва манфаатларни олий қадрият сифатида ардоқлаш борасида таълимий маддий қадриятни ташминлаштиришни назарда тутади, натижада бугун Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига муносабати билан ўзбек халқини самимиз кутлар экан, юртимизга янгидан-янги ютуклар, тинчлик ва осойишталик, фаронлик ҳамда равнавтилади.

«Жаҳон» АА.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Сурхондарё вилоятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллиги олдидан қуриб битказилган замонавий иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда. Олтинсой туманида барпо этилган Баҳт уйи биноси ҳам туман ахлига муносиб байрам совғаси бўлди. Шу куни янги Баҳт уйида дастлабки ёш оиласинг никохини кайд этиш маросими бўлиб ўтди.

• Андижонда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганинг 21 йиллигига бағишилаб «Биз – буюк юрт фарзандларимиз!» шиори остида ёшлар фестивали ўтказилди.

• Бердақ номидаги Қорақалпок давлат университетида «оммавий маданият»нинг миллий қадриятларимиз ва ёшлар онгига салбий таъсирини бартарап этиш масалаларига бағишиланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Ёшларни турли таддидлардан химоя қилиш, интернет тармоги орқали маънавиятимизга ёт гоялар тарқалишининг олдини олиш, улар тафаккурини эгаллашга қаратилган баразали хуружларга қарши доимо сергак ва оғоҳ бўлиш зарурлиги юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

• Фарғонада умумқурилиш ишлари устаси қасби бўйича ўкув амалиётларини инновация технологиялари асосида ташкил этиш масалаларига бағишиланган республика ўкув семинари бўлиб ўтди. Унда қасб-хунар коллеклари мутахассислари ҳамда ишлаб чиқариш таълими усталари иштирок этди.

• Сардорда туманидаги «Барака» фермер хўжалиги раҳбари Абдумавлон Махмудов «Дўстлик» сув истеъмолчилари уюшмаси худудида кунига 10-12 минг дона ғишт ишлаб чиқарадиган корхонани ишга тушириди. Айни вақтда корхонада 30 нафар маъаллий ёшлар доимий иш билан ташминланди.

 ЖАҲОНДА

• Эквадор президенти Рафаэль Корреанинг расмий сўровига муовфик, Куба ва Эквадор хукуматлари ўртасида келишув битими имзоланди. Унга кўра, Куба маъмурлияти Эквадор соғликини саклаш тизимига амалий ёрдам кўрсатишга қарор килди. Яъни Эквадор ахолиси саломатлигини тиклаш ишларига хисса кўшиш учун умумий ҳисобда 2 минг нафар малакали шифокор жўнатилиди.

• 2014 йилда футбол бўйича жаҳон чемпионати ўйинлари ўтказиладиган Бразилияning Сан-Паулу шаҳридаги янги «Арена де Коринтианс» стадионининг бир кисми кулаф тушди. Фожиа тушлик вақтида, яъни стадионда ишчилар кам пайти юз берганлиги сабабли уч киши ҳалок бўлган.

• «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлиги Нидерландияни юқори кредит рейтингидан маҳрум қилди. Яъни мазкур мамлакатга берилган «AAA» (юқори) даражаси «AA+» (юқори)га туширилди. Экспертларнинг айтишича, жорий йил якунни бўйича ушбу мамлакат иқтисодиёти 1,2 фоиз пасаяди. Унинг ялпли ички маҳсулот ҳажми ўсиши ҳам сустлашган.





